
ОГОҲЛАНТИРИШ: ТАБИЙ ГАЗ ВАҚТИНЧАГА ЎЧИРИЛАДИ
ҲУРМАТЛИ ТУМАНДОШЛАР, ТАБИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ!

“Ҳудудгаз Фарғона” ГТФ ҳамда Фарғона УМГнинг тегишли хабарномаларига асосан эртага 2021 йил 28 апрель куни Яйпан ГРС 1-аҳоли тармоқларида торайтириш мосламаси (шайба)ни алмаштириш муносабати билан аҳоли хонадонлари ва улгуржи истеъмолчиларга маълум муддатларда табиий газ бериш вақтинча тўхтатилади.

Хусусан, Яйпан ГРС 1-аҳоли тармоғида газ билан таъминланадиган “Жонобод” МФЙ, “Шакаробод” МФЙ, “Обод” МФЙ, Дўстларобод қишлоғи, Яйпан шаҳар “Яйпан гузар”, “Туркистон”, “А.Жомий”, “Бозор Яйпан”, “Боғи Эрам”, “Оқтепа” МФЙлари, “Қулибек” МФЙ да истиқомат қилувчи аҳоли истеъмолчилари (ва корхоналар)да 2021 йил 28 апрель куни соат 11:00 дан 16:00 га қадар табиий газда вақтинчалик узилиш бўлади.

Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинг.

“Ҳудудгаз Фарғона” ГТФ “Ўзбекистонтумангаз” бўлими маъмурияти юқорида келтирилган манзиллардаги истеъмолчилардан вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўрайди.

2021-04-27 22:48:56